

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Молия” кафедраси

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

фанидан

мустакил ишлар мажмуи

(Услубий қўлланма)

Тошкент 2005

Х.Жамолов, Б.Нурмуҳаммедова "Мутахассисликка кириш" фанидан мустақил ишлар мажмуйи. Услубий қўлланма. Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2005 йил, 16 бет.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2001йил 16 августдаги "Олий талимнинг давлат талим стандартларининг тасдиқлаши тўғрисида"ги 343-сон қарорига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус талим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Талаба мустақил ишини ташкил, назорат қилиши ва баҳолаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ишлаб чиқилган булиб, бунда талабаларнинг "Мутахассисликка кириш" фанидан мустақил ишларини ташкил етиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиблари келтирилган.

Қўлланма "Молия" йўналиши буйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Кўлланма Тошкент Молия институти қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий – услубий кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2005йил 7 июлдаги 4-сонли баённома).

Маъсул муҳаррир: иқтисод фанлари доктори, профессор
А.Вахобов

Тақризчилар: и.ф.н., доцент Ф.Додиев;
и.ф.н., доцент А.Гозиев.

Кириш

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус талим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил етиш, назорат қилиши ва баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда талабаларнинг “Мутахассисликка кириш” фанидан мустақил ишларини ташкил етиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиблари келтирилган.

Талабанинг мустақил иши ўкув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўкув ишларининг таркибий қисми бўлиб, у услугубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан тамиланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Маълумки бозор итқисодиётiga ўтиш, бошқаришнинг ески директив усуулларидан воз кийчиш, хўжалик механизмини қайта қуришга ўтиш, иқтисодчи мутахассислардан рўй берадиган жараёнларни чукур таҳлил қила олиш ва уларга тўғри топа билишни талаб қилади. Бундан ташқари бозор муносабатларига ўтиш жараёни замонавий иқтисодчилардан иқтисодий режаларни тузга олиш, қабул қиладиган йечимларни иқтисодий сиёсатда қўллай билишни талаб қилади.

Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш учун иқтисодий йўналишлар бўйича битирувчи талабаларнинг билим савиясини оширишга зарурият туғилади. Ҳозирги замон талабига жавоб берувчи иқтисодчиларни тайёрлашни фундаментал ҳисобланган молия бўйича билим даражасини кўтармасдан амалга ошириш мумкин емас. Шунинг учун “Мутахассисликка кириш” фани молия соҳасида кенг қамровли иқтисодчи кадрнинг шаклланишида катта аҳамиятга ега. Бундан ташқари молия кўпгина иқтисодиётга тегишли маҳсус фанларни муваффақиятли ўзлаштириш воситаси ва билиш аппарати вазифасини ўтайди.

Иқтисодий йўналишдаги олий ўкув юртларида мутахассисликка киришни ўрганишдан мақсад талабаларни назарий ва амалий иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фикр юритиш қобилиятини ошириш, илмий адабиётларни мустақил ўрганишга одатлантириш, мутахассислик буйича умумий билим савиясини ошириш, иқтисодий жараёнларни кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қила олиш учун бўлажак иқтисодчи етарли даражада мутахассислик билимга ега бўлиши керак.

Молия иши йўналишдаги олий ўкув юртлари учун мўлжалланган “Мутахассисликка кириш” фани қуидаги асосий фундаментал билимларни ўз ичига олади:

- Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти
- Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнининг илмий асослари
- Мутахассислик фанларини ўқиши жараёнида китоб устида ишлаш
- Мутахассислик фанларни итиш жараёнида илмий-тадқиқот ишлари

“Мутахассисликка кириш” курси бозор иқтисодиёти шароитида малакали кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда муҳим рол уйнайди, ҳозирги замон иқтисодиётiga оид илмий ва услугубий адабиётларни ўрганиб, касб малакасини оширишга қўл келади.

Иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий жиҳати, жамият ҳаётининг пойдеворидир. Инсон тирик мавжудот сифатида биринчи навбатда, моддий талаб — еҳтиёжини қондириши керак. Унга факат иқтисодий фаолият орқали еришилади.

Айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмуни, уларнинг талаблари ва хусусиятлари, қонун - қоидаларини, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишлари алоҳида аҳамиятга ега.

Мазкур фаннинг татбиқини егаллаш мамлакатда яшаётган ҳамма кишиларнинг даромадлари, уларнинг турмуш даражаси фақат миллий иқтисодиёт тараққиётига боғлиқлигини, шу юртда меҳнат қилаётган кишиларнинг ижодий меҳнати билан унинг тўғри тақсимлаши ва фойдаланиши миллий пул барқарорлиги тамилнанишига боғлиқлигини теран мушоҳада қилишни англатади.

Умумий ўқув соатлари чегараланган бўлганлиги учун дастурда кўпгина мавзулар мустақил ўрганиш учун ажратилган. Мустақил билим олиш имконияти ҳам чекланган, чунки аввало “Мутахассисликка кириш” фанидан ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар кам, айниқса ўқув режаларда белгиланган «мустақил таълим» учун услубий қўлланмаларнинг деярли йўқлигидир.

Бу еса, ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» қонунлари, шунингдек ҳаракатдаги Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб ўқитувчи раҳбарлигига бажариладиган маъруза, семинар дарслари ва «Мустақил иш» сифатини кўтаришни талаб етади. Шунингдек, ажратилган соатлардан унумли фойдаланиш, талабаларни ўз устида ишлашга ўргатиш ва бу муҳим талаб – давр талаби еканлигини улар онгига сингдиришдан иборатdir.

«Таълим тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб янги давлат таълим стандартлари жорий етилгандан буён ўқув режасидаги «Мустақил иш» учун ажратилган соатлар “Молия иши” кафедрасида турли хил усулларда ўтиб келинмоқда. Бу еса ўз навбатида, ажратилган соатлардан талабалар самарали фойдаланмоқда деб аташга асос йўқ. Шу сабабли бизнинг фикримизча «Мустақил иш» дарсларини ва унга ажратилган соатлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган услубий қўлланмаларни яратиш ва мавжудларини янада такомилластириш зарур. Уларда мазкур дарсларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишида талабанинг манфаати, уни рағбатлантириш йўллари ўз йечимини топган бўлиши ва буни талаба шахсан жуда яхши ҳис қилмоғи лозим.

Бунинг учун ўз навбатида профессор - ўқитувчилар ўта тажрибали, билимли, талабалар қалбига йўл топа олишдек маҳоратли бўлиши талаб етилади. Шу муносабат билан – “Ўқитувчининг бош вазифаси – деб ёзади И.Каримов – ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўнкималарини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”.

Тошкент Молия институтининг барча бакалавриат ўналишлари ўқув режаларида талабалар учун “Мутахассисликка кириш” фанидан 13 соат мустақил ишга ажратилган. Масаланинг мураккаблиги шундан иборатки институтда талабаларни ўқитишнинг асосий шакллари тўғрисида (жумладан маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари каби дарсларнинг қандай ўтказилиши тўғрисида) маълум тажриба ва услубий қўлланмалар мавжуд. Лекин ҳозиргacha талабаларнинг “Мутахассисликка кириш” фани бўйича бажарилиши лозим бўлган мустақил ишлари ва уларни қандай қилиб бажариш кераклигини ўргатадиган маҳсус услубий қўлланма мавжуд емас.

Аввало шундай савол туғилади:

- талабаларнинг мустақил иши деганда нимани тушуниш керак?
- талабаларнинг мустақил иши қандай кўринишларда бўлади ва қандай шаклларда амалга оширилади?

Бизнингча талаба бажарадиган мустақил ишларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига ега бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниqlаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал йечимини белгилаш;
- малумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт ҳулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чиқилган йечим, лойиха ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Талабанинг вақт бюджети аудиторияда ва аудиториядан ташқарида билим олишга сарф қилган вақтидан ташкил топади. Аудиториядаги вақтида талаба ўқитувчининг маърузасини ешитади, амалий машғулот дарсларида бевосита мулоқотда бўлади, мисол ва масалалар йечади. Хуллас, аудиториядан ташқаридағи вақтида талаба дарсга тайёрланади. Бизнинг фикримизча талабанинг аудиториядан ташқаридағи вақтида бажарган иши мустақил иш деб тушунилиши керак. Аммо амалиётда талабаларнинг аудиториядан ташқарида бажарадиган ишлари: амалий машғулот дарсларига тайёрланиш, реферат, курс иши, илмий маъруза тайёрлаши каби ишлар мустақил иш сифатида тайёрланса ҳам, лекин улар мустақил иш таркибиға киритилмайди. Масалани бундай қўйишимизнинг сабаби шундан иборатки, талабанинг ўқиш вақти хафтада 54 соатни ташкил этиб, ҳар куни б соат аудиторияда 3 соат еса аудиториядан ташқарида ўқишидир.

Агар биз талабанинг ҳафталик вақтига бюджетига юқорида кўрсатилган 13 соатлик мустақил ишни қўшадиган бўлсак (яна ўқув режадаги бошка фанларнинг мустақил ишларига ажратилган соатлар ҳам қўшилса), унда талабанинг ҳафталик ўқиш вақти анчага ошади. Масаланинг муаммоли томонига кўп еътиборни қаратмасдан, унинг амалий ҳал қилиниши нуқтаи назаридан ёндашиб ўқув режасида кўрсатилган 13 соатли талабаларнинг мустақил ишининг ташкил этишига фикр билдириш аҳамиятга ега.

Шундай қилиб институт ўқув режасида “Мутахассисликка кириш” фанига ажратилган 13 соат мустақил ишга амалий машғулот дарсларига тайёрланиши кирмайди. Ушбу қўлланмада бундан кейинги сўз ана шу 13 соатли талабаларининг мустақил иши тўғрисида кетади.

1§. Мустақил ишга қўйиладиган талаблар

Тажриба кўрсатмоқдаки талабаларнинг мустақил ишини ташкил етганда қўйидаги масалаларга еътибор берилиши керак:

Биринчидан, мустақил ишнинг мавзуларини аниқланганда “Мутахассисликка кириш” фанининг ҳар бир мавзуси бўйича дарсда ўтилмайдиган қисми аниқланиб, муаммони ҳал қилишга қаратилган адабиётни олиб уни конспект, қилиш ва унинг асосий мазмунини сўзлаб бериш, ёки конспект қилиш билан чегараланиб қолиши, ёхуд уни мустақил ўқиб, унинг мазмунини гапириб бериш, шунингдек ушбу қўлланмада келтирилган мисол-масалаларни йиёчиш шаклларида ташкил қилиши мақсадга муофиқдир.

Иккинчидан, мустақил ишни ташкил қилгандага албатта, талабаларнинг бу ишга сарфланадиган вақтини ҳисобга олиш зарур. Мустақил ишнинг ҳажми шундай аниқланиши керакки, талаба бу ишни реал бажара оладиган бўлиши керак. Агар талаба бирон бир адабиётни конспект қилиши керак бўлса, унда бир бетни ўқиб уни конспект қилиши учун 20-25 минут сарфлайди. Агар қандайдир мавзу бўйича мустақил ишга 3 соат ажратиладиган бўлса ва бу иш конспект қилиш учун бериладиган адабиётнинг ҳажми 9 бетдан ошмаслиги керак.

Агар адабиётни ўқиб, ўқитувчига оғзаки жавоб берадиган бўлса унда талабага мустақил иш сифатида 15 бетли материални тавсия этиш мумкин. Бир бетни ўқиш, уни муттало қилиш ва мазмунини айтиб бериш учун 10-15 минут вақт етарли.

Учинчидан, талабаларга мустақил ишни вазифа сифатида топширгандага ўқитувчи ҳар бир мавзу бўйича «қандай мақсад қўйилади?» деган савол қўйиб бу саволга жавоб бериши керак. Аникроғи ҳар бир мавзунинг олдига қўйилган маҳсадни аниқ белгилаши зарур.

Тўртинчидан, талабаларнинг мустақил иши маълум бир тамойиллар асосида ташкил этилиши керак. Мустақил иш ҳар бир талаба томонидан мустақил бажарилиб, унинг сифати ўқитувчи томонидан текширилиб баҳолар қўйилиши керак.

Бешинчидан, талабаларнинг мустақил иши режаси кафедра мажлисида тасдиқланиб режадаги талабаларнинг мустақил иши ҳафталарга бўлинниб унинг бажарилиши кафедра мудири томонидан назорат қилинишини унинг натижалари кафедра мажлисида муҳокама қилиб бориши керак.

§2. Талабалар мустақил ишининг шакллари

Талаба мустақил ишини ташкил етишда муайян фан (курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётда мавжуд муаммоларнинг йечимини топиш (кейс-стади);
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманманга маруза тезисларини тайёрлаш.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиўқан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил етишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўкув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шаклли, мазмуни ва ҳажми ифода етилади.

Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириклар, варианtlар ишлаб чиқлади ва факултет илмий- услубий кенгашида тасдиқланади.

Талаба учун муайян фан бўйича мустақил иш топшириклари тегишли кафедра профессори (ёки етакчи доцент) томонидан ўкув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланади. Талабага берилган мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд етилади.

Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаи сифатида дарслик ва ўкув қўлланмалар, методик қўлланмалар ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар тавсия етилади. Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қиласи.

Кафедра мудири ва тегишли факултет декани тақдимномаси асосида институт ректорати талабаларга мустақил ишларини бажариш учун зарурий ахборот манба ва воситаларни белгилайди, талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармоқ муассалари ва корхоналардан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларни расмийлаштириб беради.

Институт ректорати томонидан талабаларга мустақил ишларини ўз вақтида бажариш учун компьютер техникаси ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шартшароитлар яратиб берилади.

Юқорида айтилгандек, талабалар мустақил иши ишчи дастурида кўрсатилганидек ёзма ёки оғзаки жавоблари шаклларида амалга оширилади.

«Талабалар мустақил иши» жумласи кўрсатиб турибдики бу ишни талабалар айрим мавзулари бўйича у ёки бу масалаларни мустақил ўрганиб, бажаради у ўқитувчи томонидан баҳоланади ва бу иш олдиндан режалаштирилган график асосида амалга оширилади. Талабаларнинг мустақил иш шакли ёзма конспект шаклида ёки белгилangan масалага адабиётларни мустақил ўқиб тайёрланиш шаклларида ташкил етилади. Қўйида талабаларнинг мустақил ишининг қайси мавзулар ва шакллари бўйича бажарилиши келтирилади.

§3. Талабалар мустақил ишини назорат қилиш

Институтда талабанинг хафталик мустақил ишларининг умумий ҳажми бакалавриатнинг кундузги бўлимида 22 соатни ва магистратура мутахассисликларида 18 соатни ташкил етади.

Ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича грух рейтинг қайдномасида ЖБ, ОБ, ЯБ қаторида МБ шаклида қайд етилади. Умумий балл ҳисобланниб, мустақил иш учун ажратилган соатлар ҳажмида аниқланади ва талабанинг рейтинг дафтарчасида ҳамда ўқиш якунида битирувчига тақдим етиладиган диплом иловасида қайд етилади.

Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузиладиган ва факултет декани томонидан тасдиқланидиган мустақил иш жадвали асосида амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича бажариладиган соатлар грух журналида қайд қилиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш амалий машғулотларни олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши ўқув режада муайян фанга ажратилган соатга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси Фан бўйича талабанинг умумий рейтинги киритилади.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича, анъанавий грух рейтинг ойнасида ва (ёки) факултетнинг маҳсус електрон тармоғида ёритиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли кафедралар томонидан белгиланади ва факултет Илмий кенгашида тасдиқланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равища талабалар гуруҳлари, кафедра йиғилишлари ва факултет илмий кенгашларида мухокама етиб борилади.

Институтда юқори даражада баҳоланган талабаларнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Ушбу услубий қўлланма “Мутахассисликка кириш” фани бўйича ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастурига мос бўлиб, унинг мазмуни маъруза ўтувчи профессор-ўқитувчи томонидан биринчи дарсда талабаларга тушунириллади. (мустақил ишнинг аҳамияти, унинг бажарилиши тартиби, баҳолаш мезонлари ва х.).

Маъруза ва амалий машғулот дарсни олиб борувчи ўқитувчи талабаларга ҳар дарсда қўлланмада кўрсатилган мавзу бўйича мустақил ишнинг бажариш муддатини белгилаб бериши керак. Шу билан бир қаторда амалий машғулот дарси олиб борувчи ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишни бажариши учун керак бўлган адабиётлар билан таъминланганлигини назорат қилиб бориши лозим. Агарда талабалар керакли бўлган адабиётлар билан таъминланмаган бўлса, унда адабиётлар билан таъминлаш чора тадбирини кўриши керак. Талабалар томонидан мустақил ишнинг қандай даражада бажараётганлигига амалий машғулот дарси олиб борадиган ўқитувчи масъул ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчининг қўлида (гурух семинар журналида) ҳар бир талабанинг мустақил ишни қандай бажараётганлиги ҳақида талаба мустақил ишни ўз вақтида топширмаган (бажармаган) бўлса навбатдаги мустақил ишни бажаришига рухсат бермайди. Хулоса, ҳар бир талаба ўқув-ишчи режада кўрсатилган мустақил ишни бажариши мажбурий.

§4. Мустақил ишни баҳолаш мезонлари

Талабаларнинг мустақил иш бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади.

Талабаларнинг бажарган мустақил иши рейтинг баллари асосида баҳоланиб улар “Мутахассисликка кириш” фани бўйича тўпланадиган рейтинг балларига қўшилади. Юқорида кўрсатилгандек, “Мутахассисликка кириш” фани бўйича 7 мавзу бўйича 13 соат мустақил иши бажаради. Демак талаба бир ўқув йилида мустақил иш учун максимал 13 балл тўплаши мумкин.

Мустақил ишга белгиланган баллар қўйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг фаоллиги ва давомати;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезис ва мақолалар тайёрлаш;
- олимпиада ва илмий анжуманларда иштирок етиш.

Семестр давомида мустақил иш бўйича тўплаган баллар қўйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86-100% - «аъло»
- 71-85% - «яхши»
- 55-70% - «қониқарли»
- 55% дан кам – «қониқарсиз»

§5. Талабалар мустақил ўрганадиган адабиётлар номи ва бажарадиган ишлари

“Мутахассисликка кириш” фанидан мустақил ўрганиладиган мавзулар ва уларга ажратилған соатлар ҳажмини қуидагича белгилаш мүмкін.

№	Мавзулар номи	Мустақил иш шақли	Ўрганиладиган адабиёт	Мустақил иш
1	2	3	4	5
1.	«Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари.	Реферат	3, 6, 11, 12, 15, 17, 22, 28	1
2.	Тошкент Молия институти талабаларининг манавий-маърифий қиёфаси.	Доклад	3, 5, 7, 13, 18, 24, 29	3
3.	Тошкент Молия Институти	Реферат	2, 4, 9, 14, 21, 27, 30, 32	2
4.	Мутахассислик фанларини ўқитишида янги педагогик технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти	Доклад.	3, 8, 11, 12, 15, 21, 24, 29	2
5.	Мутахассислик фанларни ўқитиши жараёнининг илмий асослари	Реферат	5, 11, 19, 22, 23, 28, 34	2
6.	Мутахассислик фанларини ўқиши жараёнинда китоб устида ишлаш	Доклад	3, 14, 21, 22, 24, 28, 30, 33	1
7.	Мутахассислик фанларни итиши жараёнинда илмий-тадқиқот ишлари	Реферат	20,18,4,3,11,12	2
ЖАМИ				13

Куйида ҳар бир мавзу бўйича 26 та саволлар келтирилган. Талабанинг лозим бўлган савол рақами гурӯҳ журналида исми шарифи қайд етилган тартиб рақамига мос келади.

1. “Мутахассисликка кириш” фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
2. “Мутахассисликка кириш” фанининг иқтисодий фанлар таркибидаги ўрни.
3. Талабанинг манавий-маърифий қиёфасига замонавий талаблар.
4. Талабаларнинг хукуқ ва бурчлари.
5. Тошкент Молия институти тарихи ҳақида нималарни биласиз?
6. Мустақиллик йилларида Тошкент Молия институти фаолияти.
7. Тошкент Молия институтини бошқариш.
8. Бакалавриатнинг “Молия” ёналиши ҳақида нималарни биласиз?
9. Билимларнинг кўникма ва малакаларга айланиш технологияси.
10. Иқтисодий фанларни ўқитишида аниқ муаммоли вазият (сасе метод) усулидан фойдаланишнинг устивор жиҳатлари.
11. Иқтисодий таълим жараёнинда ахборот технологияларининг ташкилий-бошқарув моделлари.
12. Ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил қилинган йўналишлари.
13. Маъруза машғулотларига тайёргарлик кўриш.

14. Семинар машғулотлари, маслаҳатлар, амалий машғулотлар, илмий семинарлар ва коллоквиум ўтказиш.
15. Китоб танлаш одоби.
16. Китобдан фойдаланиш одоби.
17. Тезислар ва реферат тайёrlаш.
18. Маъруза машғулотларига конспект қандай тайёрланади.
19. Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш тартиби.
20. Илмий семинар нима ва у қандай ташкил қилиниши.
21. Коллоквиум тўғрисида тушунча.
22. Коллоквиумга тайёргарлик кўриш тартиби.
23. Мутахассислик фанлардан назорат ўтказиш тартиби ва шакллари.
24. Илмий тадқиқот ишлари турлари.

АДАБИЙОТЛАР

Асосий адабийотлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан) – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 39 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: «Адолат», 1999. – 240 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 29.08.1997й.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. 29.08.1997 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Маҳаллий ҳокимиятларнинг ўз-ўзини бошқариши тўғрисида». Т.: 1993.
7. «Ўзбекистон Республикасининг молиявий қонунлари», 2000 й. 1-12 сонлари, 2001 й. 1-12 сонлари ва иловалари, ва 2005 й. 1-6 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги, Молия ва нархлар илмий-тадқикот институти., Т.: 2000-2005 й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 346 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барЎарорлик шартлари ва тараўїёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. 221-б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 76 б.
12. Абдураҳмонов А. Саодатга елтувчи билим. -Т.: «Моварауннахр», 2001.
13. Аминов М., Мадвалиева А. Иш юритиш. - Т., 2000.
14. Бадмаев Б.Ц. Психология: как её изучит и усвоит. -М., 1997.
15. Войшвило Е.К. и др. Логика. -М., 1998.
16. Бюджетная система Российской Федерации. Под редакцией проф. М. В. Романовского и проф. О. В. Врублевской. М. «Юрайт». 2000 - 435с.
17. Бюджетная система Российской Федерации: Уч. под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской – 2-изд. М.: Юрайт, 2000. -615 с.
18. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник под ред. Г.Б. Поляка-- 2-изд. М.: “ЮНИТИ”, 2001 – 514 с.
19. Бюджетний федерализм и межбюджетные отношения: проблеми и перспективи развития. – 2-изд. СПб.: Изд. Кодекс ИНФО, 2001. –146с.
20. Горелов А.А. Концепции современного естествознания. - М., 1998.
21. Григорев Б.В. Классическая логика. - М., 1998.
22. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар /маъсул муҳаррир: Н.Шодиев. - Т.: «Шарқ», 2002. - 272 б.
23. Шарифхўжаев М., Абдуллаев ғ. Менежмент. - Т., 2001.
24. Шарифхўжаев М. Государство на новом этапе инвестиционной деятельности. «Экономика и статистика», 1998. №7.
25. Ернандо Де Сото. Секрет капитала. Почему капитализм торжествует на Западе и терпит поражение во всем остальном мире. /Пер. С англ/ - М.: ЗАО Олимп-Бизнес, 2001. – 272 с.
26. Хантце Е. и др. Теория управления кадрами в рыночной экономике. -М., 1999.
27. Юсупов Ю.Б. Становление и развитие экономической науки. -Т.: «Учкун», 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. - Т.: «Ўқитувчи», 2000.
2. Вахобов А.В. Хусусий мулк - иқтисодиётнинг ишончли пойдевори. /Халқ сўзи/, 2003. 24 апрел, 87-сон. қ
3. Кларк Дж. Б. Распределение богацства. - М.: Гелмос АРВ, 2000. - 368 с.
4. Крюков А.С. Управление проектами (пособие для менеджера). - Т.: Мехнат, 1999. - 88 с.
5. Политология. Олий Ўқув юртлари талабалари учун қўлланмана. -Т., 1998.
6. Курбонов Ш.Е., Сейтхалилов Е.А. Национальная модель и программа по подготовке кадров - достижение и результат независимости Узбекистана. Т., 2001.
7. Хусанов Н., Миражмедова З., Шокирова С. Мутахассислик тили. – Т.: ТМИ, 2000.
8. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Т., 1998.
9. Ўқув адабиётини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. -Т., 1998.
- 10.«Интернет» тармоғи бўйича тавсия етиладиган веб-сайтлар:
 - www.banking.com;
 - www.state.st.us;
 - www.bankreferatov.ru;
 - www.bis.org.